



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



**ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДАН —  
ОЧИҚ ДУНЁ САРИ:**

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ КЕСКИН БУРИЛИШ

Биз — дунёга,  
дунё — бизга очик  
бўлиши керак.  
Бугунги ҳаёт, бугунги  
таракқиётнинг талаби ҳам  
аслида, шу. Биз ана шу  
ҳал қилувчи тамойилни  
албатта ҳаётимиз қондасига  
айлантирамиз.  
Шавкат  
МИРЗИЁЕВ

Бир пайтлар ёпиқ, бир йўналишли сиёсат билан чекланган мамлакат энди дунё дипломатиясининг фаол иштирокчисига айланмоқда. Яқинда Тошкент халқаро инвестиция форумига 7,5 мингдан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3 минг нафар хорижий меҳмон ташриф буюрди. Инвесторлар Ўзбекистонга сармоя киритишга янада катта қизиқиш билдирди, 30,5 миллиард долларлик савдо ва инвестиция шартномалари имзоланди. Йирик халқаро тадбирларнинг доимий мезбонига айланганимиз туфайли, бундай воқеликларни оддий қабул қиладиган бўлдик. Аслида, бу даражага етиб келишимиз осон кечгани йўқ.

(Давоми 2-саҳифада)



Мулоҳаза

## ЎҚУВЧИ ВА ИНТЕРНЕТ: НАЗОРАТ ИЗДАН ЧИҚДИ... (МИ)?

Интернет олами ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганига анча бўлди. Бугун бу виртуал оламдаги ўқувчи-ёшлар ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳозир интернетдан фойдаланиш кўлами ошган, вай-фай, лимитсиз трафиклар бор.

(Давоми 3-саҳифада)



## ҚОРНИ ТҮҲ, КАЙФИ ТАРОҚ... ҚАЛБИ ОЧЛИКДАН ЧЕКИНАЙЛИК

Тўй – ҳар бир халқнинг маданий-маънавий кўриниши, миллий бойлиги ва албатта, кишини тарбияловчи бир восита бўлиб хизмат қилиб келган. Айниқса, ўзбек халқи учун. Бир пайтлар тўйларда лапарлару ёр-ёрлар, миллий рақс санъати, қўшиқ санъати юксак даражада камол топган экан. Энг машҳур полвонлар ҳам, энг зўр хушовоз ҳофизлар ҳам хокисор элимизнинг тўй-томошаларидан етишиб чиққан. Кексалар сўзига қулоқ тутсангиз, бундан 50-60 йил илгариги тўйлар ҳақида ўзгача фикрларни тинглайсиз.

– Бурунги тўйлар бутун маҳаллага ибрат, ўрнак маросими бўла оларди. Қизлар иффату ҳаё пардаси остида одоб ила ўйин-кулги қилишарди. Афсуски, бугунги шов-шувли замон халқимизнинг муқаддас анъаналарига, тўйларига ўз таъсирини ўтказди. Спиртли ичимликлар тўй дастурхонининг шоҳига айланди. Устига-устак аёллару эркеклар бир дастурхон устида май тўла қадах чўқиштиришади. Баъзилар тўқликка шўхлик қилиб, тўйларда

«Мен сендан камми?» дея исрофгарчилигу, кимўзарчилиқнинг авж олишига сабаб бўлишди. Худди мана шу дабдабалар ўзбекнинг асл тўйларини емирди. Исрофгарчилик иллоти – тўй расм-русумларини издан чиқариб, ҳатто, қанча-қанча ёш оилаларнинг пароканда бўлиб кетишига ҳам сабаб бўлаётир, – дейди ёши 70дан ошган Насрулло ака Адизов куйиниб. Ўзбекистонда тўй-ҳашамларни тартибга солишга оид янги ҳужжат-

нинг қабул қилинаётганидан кўзда тутилган мақсад, албатта, ихчамликни ошириш ва исрофгарчиликка қарши курашиш. Аслида, мамлакатда бундай қонунлар илгариги ҳам мавжуд бўлган. Фақат амалда, деярли, ишламаган. 2017 йили оилавий маросимларни тартибга солиш, исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймаслик зарурлиги борасида ҳужжат қабул қилинган бўлса, 2019 йилда «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор ҳамда Низом эълон қилинган. Бу низом парламент палаталари кенгашларининг 2019 йил 14 сентябрдаги қарори билан тасдиқланиб, 2020 йил 1 январдан кучга кирган ва ҳозир ҳам қонуний кучга эга. Шу йиллар давомида ҳужжат нега натижа бермаган, тўйларни қонуний йўл билан тартибга солиш, унга риоя қилмаганларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги муносабатларга нега панжа ортидан қараб келинган, деган савол туғилади.

Шавкат Мирзиёев 2017 йил ав-

густ ойида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув чоғида тўй-маъракаларни тартибга солиш нозик масала эканига урғу бериб: «Ҳақиқатдан ҳам айни шу масалалар неча йиллар, ҳатто асрлардан бери кун тартибидан тушмасдан келади. Жадид боболаримиз ҳам тўй-маъракаларимиздаги исрофгарчилик, дабдабозлик, мақтанчоқлик миллатимизни маънавий таназзулга етаклайдиган иллат экани ҳақида қандай қуюниб ўтганларини яхши биламиз», деди ва оилавий маросимларга «Тўй-маърака – бу фақат шахсий иш эмас, балки ижтимоий масала» деб жуда тўғри баҳо берган. Ижтимоий ҳаётдаги иқтисодий тақчилликка, ОАВ орқали чиқишларга қарамай, тўйларни дабдабали ўтказиш, сарполар олишу маишатга муккасидан кетишлик кучаймоқда. Бундай ҳолатлар кўпчиликнинг жонига теккан бўлса ҳам, тўйларни ихчам ва содда ўтказишда ҳеч кимда ирода, қатъият етмаяпти. Ёш оилалар ҳам айнан ана шу исрофгарчилик, замонсозликнинг қурбони бўлишаётир.

(Давоми 5-саҳифада)

# ЁПИҚ ЭШИКЛАР ОРТИДАН – ОЧИҚ ДУНЁ САРИ: ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИДАГИ КЕСКИН БУРИЛИШ

(Боши 1-саҳифада)

## 2 минг делегат учун «янгиланган» Тошкент, меҳмонлар сабаб очилган конвертация

Бундан 22 йил аввал, 2003 йили Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиғилиши ўтказилганди. Ўша вақтга қадар Тошкент 60 га яқин мамлакатдан 2 минг делегати бир пайтда қабул қилишга тўлиқ тайёр эмасди. Шу сабаб пойтахтдаги кўплаб меҳмонхоналар бутунлай қайта таъмирланди, янгилари қурилди, талабалар ва айрим «прописка»си йўқлар вақтинча ўз худудларига юборилди. Бир неча кунга банкларимизда конвертация очилди (делегатлар кетиши билан яна ёпилди). Меҳмонлар учун имкон қадар қулайлик ҳозирланди.

Йиғилишда ЕТТБ президенти Жан Лемьер «Марказий Осиё мамлакатлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан энг кам ҳамкорлик қиладиган давлатлар қаторига киради», деганди. У, шунингдек, агар Тошкент сиёсий муҳитни яхшилаш, нодавлат ташкилотлар ролини ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш бўйича чоралар кўрсатса, банк Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритишни сезиларли даражада ошириши мумкинлигини айтганди.

Бироқ Ўзбекистонга сармоя ва инвестиция киришига замин яратиши лозим бўлган шунча ҳозирлик, ҳаракат ўша вақтда фойда бермади. ЕТТБ расмийларининг йиғилишда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммолар ҳақида бот-бот гапириши Ислон Каримовга ёқмади ва ўртадаги вазият кескинлашди. Ўшанда ўзгаришларга нафақат тайёр эмасдик, балки буни истамадик ҳам.

Банк 2003 йилги йиғилишда Ўзбекистонга вазиятни яхшилаш учун бир йил муҳлат берди, аммо ўзгариш бўлмагач, ўз лойиҳалари ва инвестицияларини қисқартирди. 2010 йилда эса ЕТТБ Ўзбекистонда ўз фаолиятини тўхтатганини эълон қилди.

## Ўзгарган сиёсат, инвестицияларнинг Ўзбекистонга қайтиши

Орадан 20 йил ўтиб, 2023 йил-

нинг 16-18 май кунлари Ўзбекистон яна Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг йиллик анжуманига мезбонлик қилди. Бу сафар Самарқанд 73 давлатдан 2000 дан ортиқ меҳмонларни кутиб олди.

2003 йилги келишмовчиликлардан кейин Ўзбекистонни тарқ этган банк 2017 йилдан кейин яна қайтди ва мамлакат иқтисодиётига сармоялар кирита бошлади.

«Биз Ўзбекистонга қайтдик, чунки мамлакат ўзгаришти. Биласиз, банк бир муддат Ўзбекистонда ишламади. Қайтишимизнинг сабаби — ўзгаришлар. Мамлакат иқтисоди учун фойдали лойиҳалар қилишимизга кўзимиз етгани учун қайтдик. Бу лойиҳаларни, айниқса банк соҳасидаги ислохотларсиз амалга ошириш имконсиз», — деган эди ЕТТБ матбуот котиби Антон Усов.

Экспертлар Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг қайтишига Президент Мирзиёев аввалги кескин вазиятни ўзгаришга, очик бозор иқтисодиёти тамойиллари, шунингдек, хусусий бизнесни қўллаб-қувватловчи макроиқтисодий сиёсат юритаётгани сабаб бўлганини таъкидлашади. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ўзгаришлар, мажбурий меҳнатнинг бекор қилиниши, «Жаслик» қамқонасининг ёпилиши ва бошқа қатор ислохотлар ЕТТБ ва бошқа молия институтларининг қайтиши учун қулай шарт-шароитларни яратди. Ўзбекистон сармоя жалб қилиш бўйича Марказий Осиёда етакчига айланди.

Айниқса, ЕТТБга кетма-кет икки муддат президентлик қилган Сума Чакраборти раҳбарлиги даврида инвестицияларнинг Ўзбекистонга оқими сезиларли даражада ошди. 2020 йилда Чакраборти ЕТТБ расмийларидан кетганидан сўнг, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотларнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган стратегиясини тайёрлаш, давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли муносабатларини кенгайтириш борасидаги таклиф ва тавсияларини бериш учун Ўзбекистон Президентининг иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлди.

Ўзгарган сиёсат сабаб, ЕТТБ Ўз-

бекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида умумий қиймати 5,4 миллиард евродан ортиқ бўлган 173 та лойиҳа ва дастурни молиялаштиришни маъқуллади.

## Ташқи сиёсатда кескин бурилиш

Аввал ҳар қандай халқаро мулоқот эҳтиёткорлик билан чегараланар, минтақавий ҳамкорликдан кўра кўпроқ «қобикда қолиш» афзал кўриларди. Сиёсат бир томонлама манфаатлар атрофида қурилар, ташқи алоқалар эҳтиёждан эмас, зоҳирий заруратдан келиб чиққан ҳолда амалга ошириларди.

Шунинг учунми, Ўзбекистон ва унинг атрофида барпо этилган «девор» изоляцияга яқин ҳолатни кўпроқ эслатарди. Қўшнилар билан муносабатлар турли муаммолар билан оғушланган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсатда мутлақо янги йўналишни танлади: дунё билан фаол мулоқот қилиш. Ҳақиқатда вазият кескин ўзгарди.

Бу сиёсат ичида икки йўналиш алоҳида кўзга ташланади:

Биринчиси, минтақавий мувозанат ва ҳамкорлик — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан узоқ йиллар музлаб қолган, чегаралар ёпилган, ҳатто ҳарбий можаролар ёқасига келиб қолган муносабатлар қайта тикланди. Мавжуд зиддиятлар йўққа чиқарилибгина қолмай, энг яқин ҳамкорларга айландик.

Иккинчиси, минтақалар билан узвийлик — Жанубий ва Шарқий Осиё, Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шимолий Америка минтақалари билан ҳам дипломатик ҳамкорлик тизимли ва кўп томонлама шаклда йўлга қўйилди. Энди ҳатто Африка минтақасига қўл чўзмокдамиз.

Ўзбекистон дунё учун чин маънода жозибадор, ишончли ва барқарор шерикка айланди.

## «Катта бозор» таклифи

Ташқи сиёсатдаги ўзгаришлар фақат сиёсий тус билан чекланиб қолмади, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам ривожланди. Илгари 30-35 миллион аҳоли билан чекланган ички бозоримиздан глобал компа-

ниялар ўзига кўп ҳам манфаат кўрмасди. Энди эса бутун Марказий Осиёни бирлаштириш орқали 80 миллионлик ягона бозор шакллантирилмоқда.

Бунинг ортида глобал инвесторларни жалб қилишга қаратилган аниқ режа ва ҳаракатлар ётибди. «Катта давлатларга катта бозор керак», деган қараш бугун Марказий Осиё давлатларининг амалий сиёсатига айланган.

Тошкент халқаро инвестиция форумига Марказий Осиё давлатларининг ҳукумат вакиллари қатнашгани ҳам, форумдан кейин футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасини Президентимиз билан биргаликда европалик ҳамкорлар кўз ўнгида қўллаб-қувватлашганида ҳам рамзий маъно бор.

Қолаверса, «Марказий Осиё – Европа Иттифоқи», «Марказий Осиё – Италия», «Марказий Осиё – Япония» каби йирик саммитлар ташкил этилиб, унда қўшни давлатлар раҳбарлари елкама-елка туриб, дунё билан мулоқот олиб боришмоқда.

## Дипломатиянинг кучи

Бугунги ташқи сиёсатдаги энг муҳим омиллардан бири — давлатимиз раҳбарининг чин глобал сиёсий етакчи сифатидаги фаоллиги ва мулоқотга тайёрлигидир. Аввалги даврда халқаро дипломатик муносабатлар кўпинча чекланган, юқори даражадаги шахсий мулоқотлар деярли кузатилмас эди. Ҳозир эса Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонга манфаат келтирадиган ҳар қандай халқаро форумда, саммитда, конференцияда шахсан иштирок этиб, расмий мулоқотдан ташқари дўстона алоқалар ҳам ўрнатмоқда.

Бу дипломатиянинг таъсири кучли: юқори даражадаги ишонч ва самимий алоқалар ҳар қандай расмий келишувдан кўра кўпроқ самара беради. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бугунги бағрикенг, фаол ва мувозанатлашган кўриниши мамлакатимиздаги ўзгаришлар жараёнининг ажралмас қисми бўлмоқда. Халққа хизмат қилувчи дипломатия айнан шундай бўлиши керак.

Лутфулло ТУРСУНОВ,  
журналист

## ДЎСТОНА ИШОНЧ НАМУНАСИ

Дунёдаги геосиёсий вазият кескинлашиб, тинчлик ва барқарорликка бўлган таҳдид борган сари кучаяётган бир даврда “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитининг ўтказилгани ва унда қўшни давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган қатъий ишончнинг янада мустаҳкамланганини, шубҳасиз, халқаро сиёсат сахнасидаги энг муҳим воқелик сифатида баҳоласак тўғри бўлади.

Зеро, бугун дунёда янгидан янги пайдо бўлаётган зиддият ўчоқларини кузатсангиз, улар асосан қўшни ёки бир минтақа давлатлари ўртасида кечаётганига гувоҳ бўласиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам саммитдаги нутқида бу ҳақда гапириб, барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва БМТ низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокаралар столида ҳал этилиши шартлигини таъкидлади. Марказий Осиё ва Хитой ўртасида Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилинишини тарихий воқеа сифатида баҳолади.

Сиань шаҳрида бўлиб ўтган илк саммитдан сўнг ҳақиқатан ҳам Марказий Осиё давлатлари ва Хитой

ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда янги босқичга кўтарилди. Умумий савдо айланмаси ўсиб, жорий йилда бу кўрсаткич деярли 100 миллиард долларга етиши кутиляпти. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 10 мингдан ошади. Бу минтақада ўзаро ишончга асосланган яхши қўшничилик, шериклик муносабатларининг қарор топгани ва Хитой раҳбариятининг Марказий Осиё давлатларига бўлган дўстона ишончи намунаси.

Саммитда давлатимиз раҳбари томонидан “Марказий Осиё — Хитой” ўртасида барча йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган муҳим таклиф ва ташаббуслар илгари сурилдики, бу тадбир иштирокчилари томонидан мамнуният билан қўллаб-қувватланди.

Ана шундай муҳим таклифлар-

дан бири “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли порталини яратиш таклифи бўлди.

Маълумки, Буюк ипак йўлида жойлашган минтақа давлатлари ҳамкорлиги тарихийлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бугун ҳам халқларимиз бир-бирининг маданиятини ўзаро бойитиш ва яқинлашишга бўлган умумий интилишга эга ва бу маданиятлар ранг-баранглигини ҳурмат қилиш тамойилига таянган ҳолда янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Шу жиҳатдан, “Ипак йўли маданий мероси” ягона рақамли портали Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитойнинг тарихий-маданий ресурсларини, улардан тадқиқотчилар, талабалар, сайёҳлар ва креатив саноат вакиллариининг фойдаланишига имкон берган ҳолда бирлаштиради.

Чунки бугун давлатларимиз ўртасида профессионал таълим соҳасида ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш, университетлар ректорлари форумларини ўтказиш, илмий академиялар ва илмий-тадқиқот марказлари раҳбарлари учрашувларини ташкил этиш орқали умумий илмий-таълим платформаларини шакллантиришга катта эҳтиёж бор.

Навбатдаги “Марказий Осиё — Хитой” саммити очик, прагматик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга содиқлик руҳида ўтди ва бу шубҳасиз, барча йўналишдаги алоқаларни янги босқичга кўтариб, мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги ва равнақини таъминлашга хизмат қилади.

Абдулҳаким ЭШБОЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

## ЎҚУВЧИ ВА ИНТЕРНЕТ:

(Боши 1-саҳифада)

Виртуал дарслар, онлайн курслар, умуман, интернетнинг ўқувчиларга ўрганишда, билим олишда ёрдам берадиган ресурслари кўп. Бугуннинг ўқувчиси бу имкониятлардан қандай фойдаланяпти? Интернет уларни янги билимлар ва имкониятлар билан бойитяптими ёки, аксинча, уларда сабрсизликни, боқимандаликни ва енгил ҳаётга интилишни кучайтиряптими? Бу борадаги олтин ўрталик қаерда?

Интернет ёшлар учун жуда муҳим ресурс, лекин баъзан “охирги пайтларда ундан фойдаланишда ортикча эркинликлар бор”, деган фикрларни эшитяпмиз. “Интернет ўқувчиларни бесабр, дангаса, боқиманда, енгил ҳаёт тарафдори қилиб қўйяпти”, деган ташвишли муҳокама-лар ҳам тез-тез қулоғимизга чалиняпти. Ростдан ҳам шундайми?

Аслини олганда танганинг ҳам икки томони бўлганидек, бу саволнинг-да икки жавоби бор: ҳа ва йўқ. Келинг, таҳлил қилиб кўрамиз. Нима учун ҳа?

■ Ўқувчи-ёшлар ижтимоий тармоқларда қисқа видеоларни кўриб ўрганиб қолишяпти, натижада эса узунроқ фойдали видеоларни кўришга сабрсиз бўлиб боришяпти. Кўпчиликнинг иншо ёки бошқа фойдали ва керакли ёзувларга ҳам сабри етмаяпти. Билим олиш учун эса сабр керак.

■ Вазифаларини сунъий интеллектга ёздириб, баҳо олишга интиладиганлар кўпайяпти. Яъни бунинг орқасидан фарзандларимиз ёлғончиликка ўрганишяпти.

■ Бош қотириб ўтирмасдан интернетдан тайёр маълумотларни олиб, шунчаки маълумот ташувчисига айланиб қолишаётгани ҳам хавотирли: бу ерда билим эгалланмаяпти, маълумот у ёқдан-бу ёққа ташилляпти холос. Ўқувчилар онги-

## НАЗОРАТ ИЗДАН ЧИҚДИ... (МИ)?

да “меҳнат қилмай осонгина эришиш мумкин” деган фикр шаклланиб қоляпти. Дарс тайёрлашга вақт ажратишга ҳам эриниб, “интернетда бор-ку, 5 дақиқада юклаб оламан”, дейдиганлар кўпайяпти. Ачинарлиси, бу нафақат дангасаликка, ҳатто хотира сусайишига ҳам олиб келади. Ўқишга ҳам иштиёқ пасаяди.

■ Ижтимоий тармоқларда машҳур бўлаётган блогерларни кузатиб, реал ва виртуал ҳаётни фарқлолмай қолаётганлар бор.

■ Интернетдаги баъзи манбалар ёшларнинг вақтини бекор ўтказишига олиб келиши мумкин, масалан, ижтимоий тармоқларда кўп вақт сарфлаш, видеоўйинлар ва ҳоказо. Бу шахсий ривожланишга тўсқинлик қилиши аниқ.

■ Узок вақт интернетда ўтириб, фаол бўлмаслик жисмоний ҳаракатни чеклаб, саломатликка-да зарар етказиши ҳам бор...

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Келинг, энди “йўқ, ундай эмас” деган жавобни таҳлил қилишга уриниб кўрамиз. Нима учун йўқ?

■ Чунки ўқувчилар замонга мос бўлишлари керак. Ҳозирги даврда айнан замонавий технологиялар, интернет имкониятлари туфайли қанчадан-қанча ютуқларга эришаётган ўқувчилар бор.

■ Ҳозир сунъий интеллект ва умуман, интернет имкониятларидан фойдаланиш ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши кенгайишига, таълим грантлари ютиб, хорижий таълим даргоҳларида билиму тажриба орттиришларига туртки бўлади ва бугун бундай ёшларимиз талайгина.

■ Интернет маълумотни тез ва осон топиш имконини беради. Бу ўқувчиларнинг билим олишга бўлган иштиёқини оширади, дарсларни чуқурроқ ўзлаштириши ва мустақил ўрганиш учун янги имкониятлар яратади.

■ Интернет кўплаб ёшларга ўз креатив-



ликларини ривожлантириш майдони, дизайн, техника ва бошқа соҳаларда ўзига хос лойиҳаларни яратиш учун қулай платформа бўлиб хизмат қилади. Бу уларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиради.

■ Интернет ёшларга турли маданиятлар ва тажрибалар билан танишиш имконини беради ва ўз устида ишлашига руҳлантиради...

Таҳлил қилинса, ўқувчи-ёшлар келажагига интернетнинг таъсири борасидаги “ҳа” ва “йўқ” деган жавобларга етарлича сабаб топса бўлади. Жавоблар қандай бўлмасин, асосий масала улар ўртасидаги олтин ўрталикни топишда. Бу эса биз педагоглар ва ота-оналар зиммасида улкан масъулият борлигини кўрсатади. Ўқувчи-фарзандларимиз оила, мактаб ва умуман, юртимиз келажагининг бунёдкорлари! Биз педагог ва ота-оналар яқдил бўлиб, келажагимиз бунёдкорларининг таълим ва тарбиясида жипслашсак, Ватан олдидаги бурчимизни адо этган, унинг келажаги учун жон койитган, фидокорлик қилган бўламиз! Фарзандларимизга замонанинг имкониятларидан, хусусан, интернетдан ҳам оқилона фойдаланишни, вақтни самарали тақсимлашни, билим олишга ғайратли бўлишни, келажак учун мустаҳкам пойдевор қуришни ўргатайлик! Биз юкорида айтган “олтин ўрталик” шундай топилади. Зеро, бугунги қарорларимиз эртаимизни белгилайди.

Нодира СУВОНҚУЛОВА  
Самарқанд вилояти, Булунғур туманидаги  
7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси



**Бугунги кунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга уринишлар бутун дунёда кенг қулоч ёймоқда.**

## ТАБИАТ ИНЪОМ ЭТГАН НЕЪМАТ

Шамол энергетикасининг ривожланиши нафақат электр энергия таъминоти муаммосини, балки давлатлар иқтисодиётини, дунё бўйича экологик барқарорликни ҳал қилишда ҳам катта аҳамият касб этади. Шамол энергетикаси бўйича дунёда кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, 80 дан ортиқ давлатда шамолдан энергия олиш соҳалари жадал ривожланмоқда. 2010 йилда дунёдаги ҳамма шамол генераторлари ишлаб чиқарган электр энергиянинг қуввати 430 тераватт/соатга етди, бу бутун дунё давлатлари ишлаб чиқараётган электр энергиясининг 2,5 фоизини ташкил қилади, холос. Лекин айрим ривожланган давлатларда бу улуш ҳақида сўз юритганда йил давомида ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг Португалия давлатида 16, Ирландияда 14, Испанияда 13, Германияда 8 фоизи шамол энергиясига тўғри келади. Ҳозирги пайтда 100 дан ортиқ давлатда шамол энергетикаси ривожланмоқда. Шамол энергиясининг потенциал қуввати дунёда ишлаб чиқилаётган электр энергия миқдоридан 30 баравар ортиқлиги аниқланган. Ҳозирги шамол тезлиги бўйича кўрсаткичлар анемометр ва флюгер асбоблари орқали олинади, улар ер юзасидан 10 метр баландликда ўрнатилади. 10 метрдан юқорида шамол тезлиги янада катта, чунки шамол ҳаракатига тўсқинлик қиладиган элементлар камаяди. Шу боис баъзи давлатларда 120 метр баландликда, паррақлар диаметри 80 метрдан ортадиган, қуввати 6,0 мВт ли шамол генераторлари ўрнатилмоқда. Шамол генераторлари шамол тезлиги 3 м/сек.дан бошлаб электр токни бера бошлайди. Шамол тезлиги 5 м/сек.дан 10 м/сек. оралиғида электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 8 марта ошади. Ўзбекистонда очик текис ҳудудларда, тоғлар орасидаги водийларда, сув ҳавзаларига яқин жойларда (кўл, сув омборлари) шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 3,5-6,5 м/сек.ни ташкил қилади. Ҳатто, битта кичикроқ ҳудуднинг турли қисмларида шамол тезлиги фарқ қилади. Масалан, Самарқанд шаҳрида 10 метр баландликда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 2,4 м/сек. Лекин аэропорт ҳудудида шамолнинг ўртача йиллик тезлиги 4,0 м/сек.дан ошади. Бунинг сабаби Зарафшон дарёси, дарё соҳилидаги қалин тўқайзор, очик тошлок Чўпонота тепалиги ва Самарқанд шаҳрининг ёнма-ён жойлашганли-

ги билан боғлиқ. Бу учта «географик майдон» устида ҳаво ҳарорати ва шунга боғлиқ ҳолда ҳаво босими фарқ қилади, натижада доимо эсиб турадиган маҳаллий шамолни келтириб чиқаради. Самарқанд вилоятида баландлиги 1000 метрдан 2000 метрга етadиган, баъзи чўққилари 2000 метрдан ошадиган тоғлар вилоятнинг 25-30 фоиз майдонини эгаллайди. Улар бир томондан шамол ҳаракатига тўсқинлик қилади. Иккинчи томондан эса тоғлар орасидаги ботиклар, букилмалар, водийлар, сойлар, довонлар ҳавонинг тез ҳаракатига шароит яратади. Бу «шамол йўлаклар»даги ҳаво оқими шиддат билан ҳаракатланиб кучли шамоллар ҳосил бўлади. Шамол электростанциялари ёрдамида ишлаб чиқиладиган электр энергиясининг қиймати АҚШ долларарида кўйидаги кўрсаткичларга эга. Шамол тезлиги 7,16 м/сек. - 4,8 цент. кВт/соат, 8,8 м/сек. - 3,6 цент.кВт/соат, 9,32 м / сек. - 2,6 цент.кВт/соат. Ушбу маълумотлардан электр энергияси қийматининг пасайиши шамол тезлиги ошишига боғлиқлиги кўриниб турибди. АҚШда кўмир ёқилғиси асосида ишлайдиган электр станцияларда электр энергия қиймати АҚШ долларарида ўр-

тача 4,5-6 цент.кВт/соатни, Хитой давлатида ўртача 4 цент.кВт/соатни ташкил қилади. Рақамлардан кўришиб турибдики, шамол электр станциялари ёрдамида ишлаб чиқиладиган электр энергиянинг қиймати

кўмир ёқилғиси билан ишлайдиган электростанциялар қиймати-га тенг ва қисман паст экан. Бироқ ҳар икки турда ишлаб чиқиладиган электр энергиясининг экологик оқибатлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Кези келганда таъкидлаш лозим, Самарқанд давлат университети олимлари томонидан Самарқанд шамол ресурсларини ўрганиш ва харитасини тузиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, Самарқанд давлат университетининг тўққиз қаватли биноси томига 40 метр баландликка шамол кучи ва йўналишини ўлчайдиган асбоб (анеморубометр) ўрнатилган. Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозим, Ўзбекистонда табиат инъом этган неъмат иқлим, об-ҳаво, шамол ёрдамида электр энергиясини олиш салоҳияти юқори бўлиб, бу борада олиб борилаётган изланиш ва тадқиқотларни сон ва сифат жиҳатдан ошириш, камхарж ва экологияга зиён етказмайдиган инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш устувор вазифа ҳисобланади.

Ирода ОРИФЖОНОВА,  
Ўзбекистон Финландия педагогика институти ўқитувчиси

## ҚУВНОҚ ЁЗ - ЎТМОҚДА СОЗ

Мактабгача таълим

**Бола қалби ҳали бирон нарса ёзиб улгурилмаган оппоқ қоғозга ўхшайди. Ана ўша оппоқ қоғозга, қораламалар тушмаган тоза саҳифага қандай битикларни ёзиб қолдириш ҳеч шубҳасиз таълим-тарбияга, тарбиячиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқ.**

Ҳозирда мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг дастлабки бўғини бўлибгина қолмай, бола шахси, камолоти ва унинг онгу шуури учун мустаҳкам пойдевор қўйиладиган муҳим даврдир. Шунинг учун ҳам бу ёшда болалар дунёсини зарур маънавий ресурслар-билим ва кўникмалар, тушунча ва тасаввурлар билан бойитиш, беғубор оламни бахтли болалик қувончларига тўлдириш болаларнинг нозик қалби ва вужудига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ғоят муҳимдир.

Болаларни ривожлантиришга бўлган бундай саъй-ҳаракатлар уларнинг соғлом вужудли ва юсак тафаккурли шахс сифатида камол топишини таъминлаб, келгусида болажонларнинг илм олишга бўлган қизиқишини,



иштиёқини оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раслигида шу йилнинг 15 май куни мактаб таълими тизимидаги ислохотлар самардорлигини янада ошириш бўйича устувор ва-

зифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллашти-



(Боши 1-саҳифада)

# ҚОРНИ ТЎҚ, КАЙФИ ТАРОҚ... ҚАЛБИ ОЧЛИКДАН ЧЕКИНАЙЛИК

## «Телба келин-куёв»

Шу ўринда, «Сарпо харид» чоғидаги кейинги бир томошани кузатиб, айрим ота-оналарнинг кимўзарчиликка берилиб, ёшларнинг орзу-хавасларига қарши чиқаётганларига ҳам гувоҳ бўласиз. Келин-куёв бўлмиш ёшлар ўқимишли. Янгиликка ўч. Китобу илмга берилишган. Уларга олтин-кумуш, қимматбаҳо кийим-кечакларнинг қизиғи йўқ. Бозорга икккаласиниям судрагудек олиб чиқишган.

– Бизга қарз-қавола қилиб, сарпо-сурук килманглар, илтимос.

– Одамлар нима дейди?! Ҳеч кимдан орқада қоладиган жойимиз йўқ. Керак эмас, керак эмас, дейсанлар, сенларга осмондаги ой керакми?!

– Йўқ, – дейишади бўлғуси оила соҳиблари ийманишиб, – бизга, яхшиси, арзонроқ бўлсаям, компьютер обертинглар.

– Бу сарполар пули ўнта компьютерингдан қиммат. Бўлмағур гапларингни қўй!

Ёшларнинг орзу-хаваси ҳавода қолди.

– Сарпо-сурукларимизга ҳеч бўлмаса, китоб кўшарсизлар, – дейишади ёшлар хуноб бўлишиб.

Китобга, илмга муҳаббати зиёда ёшларни кузатиб турганлар «Телба келин-куёв» дея уларнинг устидан кулишади. Тўғри, айримлар фикрича, улар илму китоб билан банд бўлишса, тиркичилигу бозорни ким қилади? Аммо, инсон дунёга келар экан, икки мақсад: Тиркичилик ва Бозор учун келмаган. Ёшлар истагандек сарпога китоб қўйилиши, шубҳасиз, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлайди.

Айрим ёш куда-андалар келин-куёвга обрў, дея тўй дабдабаси олди уларнинг турнақатор машиналарда шаҳар айланишларини таъминлаб қўйишади. Ёшлар ҳам шовқин-сурон, қулоқ пардаларини йиртиб юборгудек мусиқа садолари остида «кимўзарга етиб-олар» қилишиб, машиналар «ўйини» билан шаҳар кези-

шади. Кўчани тўлдириб, кийкириб-қувлашиб бораётган тўй кортежларида ҳайдовчилар ана шу вазиятларда инсонлар ҳаётини, умуман ўйлашмайди. Дабдаба, хою-хавасга ҳирс авжининг охири кўпинча фожиа ёки кўнгил хираликлари билан яқун топади.

## Доду бедод...

Бир пайтлар тўй, деганда дийдор, суҳбат, камтарлилик, тежамлилик уйғун бўларди. Бугун эса – элу юртни овқату арокка тўйдириш тушунигандек, гўё. «Фалончи ака зўр тўй берди», «Писмадончи ажойиб ош кепти», «Тўй соҳиб базмада арокни челақлаб қуйди-да, офарин!» – деб кекириб қўйишади. Керак-сиз дабдаба, ота-оналарнинг ҳашамати, ёшларнинг ортикча шўхлиги натижасида тўйларнинг мазмуни-шакли ўзгарди.

Бугун тўйхоналарнинг санаоги йўқ. Ҳатто, энг чекка кишлоқларга тўйхоналар қад ростлаган. Бу бир жиҳатдан қулай бўлса-да, тўйлардаги файзу зийнатни, кўринишни йўқотди. Тўйхоналар фақат еб-ичиб, маст-аласт бўладиган, шовқин-сурон майдонида айланди-қолди. Карнай-сурнай қуй-қўшиқларнинг доду бедодидан одамлар ёнгинасидаги ошнаси билан гаплаша олмайди. Мусиқа карнайу махсус бақиртиргичларга уланган: қулоқлар том битиб қолади. Келин-куёв – ўзбек. Мусиқалар хорижона. «Маданиятли» куда-андалар ўзаро келишган ҳолда 3-4 миллион сўм ортикча харажат қилишиб, балетмейстрни ҳам таклиф қилишган. Тўрт томонга сакраб-айланаётган балетмейстр тўй тўрида эмас, давранинг бошидан-охиргача инглизча қуйда вальсга тушаётган келин-куёвлар тез-тез «кестириб» қўядиган пулларни олиб қўйишни ҳам унутмайди. Санъаткорлар ҳам устаси фаранг бўлиб кетишган. Матин бузилган қуй-қўшиқларга шунчаки лаб кимирлатиб туришдан чарчашмайди.

## Юз йиллик асорат

«Бухоро амирлиги даврида ҳам тўйларни тартибга солиш бўйича амаллар бажарилган. Бундан 100 йил олдинги тарихимизга назар ташласак, Бухоро амирлигида ҳам дабдабали тўйлар ва маросимларни тугатиш кун тартибидан турган муҳим ижтимоий вазифалардан бири бўлганлигига гувоҳ бўламиз. XX аср бошларида Бухоро амирлигида тўйлар гоётада ҳашамдор бўлиб, 7-8 кун давом этар, ҳар куни 6-7 хил овқат пиширилиб, таклиф қилинган меҳмонларга 5 қадок (410 грамм) дан 2 пуд (16 кг) гача қанд берилар ва чопон кийдириларди. Бундан ташқари, тўйларда кўпқарилар ташкил қилиш одат тусига кириб қолган эди, – дейди тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Дилноза Жамолова. – Бухоро амира Олимхон (1910-1920) ҳукмронлиги даврида тўй-маъракалардаги исрофгарчиликлар ва дабдабозликларни тугатишга алоҳида эътибор қаратди ҳамда тўйларни ихчам ўтказишга оид фармонлар қабул қилди. Жумладан, 1911 йил март ойида «Жуда исрофли тўйларни тугатиш тўғрисида» фармон чиқарган. Унга қўра, тўйларда паловдан бошқа овқат берганларга 75 дарра уриш жазоси тайинланиб, суннат ва никоҳ тўйларида ташкил қилинадиган улоқ чопиш ва пойга тадбирлари бекор қилинган. Ушбу тадбирни ташкил этган шахс ўлим жазосига маҳкум этилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, бухороликлар тўйларига келган барча меҳмонларга зиёфатдан ташқари уларнинг ҳар бирига чопон бериш расми таъқиқлаб қўйилган».

Тарихчининг сўзига қўра, Амир Олимхон серхаражат тўйлар оилаларни иқтисодий фалокат ёқасига олиб келишини англаган ҳолда, бундай тўйларни бартараф этиш бўйича қатъий талабларни ишлаб чиққан. Натижада тўй кунлари кискартирилган, бир хил овқат пишириш белгилаб қўйилган, чопон кийдиришлар кескин камайган, қанд тарқатиш тўхтатилган ҳамда кўпқарилар ўтказилмай қўйилган. Айрим амалдорларнинг порахўрлиги туфайли амир фармонида зид равишда ҳашамдор тўйлар ўтказиб турилган бўлса-да, оддий халқ бу фармонларни мамнуният билан қабул қилган.

Хулоса қилиб айтганда, орадан 100 йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, бугунги жамиятимиз олдида ҳам тўй маросимларини тартибга солиш долзарб масала бўлиб турибди. Пандемия даврида эълон қилинган карантин вақтидаги камхаражат ва ихчам тўйлар ҳозирда яна дабдабали тус олмақда.

Биз хоҳлаймизми-йўқми, бугун эмас, эртага, албатта, тўй ўтказиш тартиблари ихчамлашиб, соддалашиб бораверади. Негаки, нархларнинг ўсиши, кундалик истеъмол молларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бориши кишини кўпроқ ишлашга, меҳнат қилишга ундайди. Одамлар ижтимоий ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англашлари учун имкон туғилади. Машаққатлар билан топган пулларини тўй-томошаларда ҳуда-беҳуда совуришдан сақланишади. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказишни тартибга солишга оид фармоннинг эълон қилинганига бир неча йиллар бўлди. Фармон ижросини таъминлаш амаллари, айниқса, кишлоқ жойларида ўз натижасини кўрсатган. Бугунги кунда «Ёшлар баъзи», «ЗАГС тўйи», «Фотиха тўйлари», «Чимилдик осар» маросимлари анчагина кискартирилди. Шунингдек, тўйларда спиртли ичимликлар қўймаслик чоралари ҳам қатъий йўлга қўйилмоқда. Маҳаллаларда иқтидорли лапарчи аёллар, мусикачилар гуруҳи ташкил этилиб, тўйларнинг қизиқарли ўтиши учун турли дастурлар тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда. Ортикча ҳашамат, кўр-кўрона одаларни чеклаш ёшлар бахтли бўлишининг биринчи шартидир.

Айни куннинг мақсади ҳам шу: ўзига хос, миллий ўзбекона тўйларни жорий этиш. Миллий қиёфаси, мазмуни ва шакли ор-номус, покиза ва камтарона туйгулар билан мустаҳкам тўй-томошаларнинг ифтихоримизга айланиб қолишига не етсин.

Лайло Ҳайитова

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 13 майдаги 391-сонли қарорига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларини жисмонан чиниқтириш, улар учун ёзги соғломлаштириш даврини мазмунан ташкил этиш, ёз мавсумида тарбияланувчилар саломатлигини мустаҳкамлаш, турли касалликларнинг ҳамда овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш, профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш, янги ўқув йилига пухта тайёргарли қўриш, қисқаси «Долзарб 90 кунлик» иш режимини пухта ташкил этиш муҳим вазифа сифатида қўйилди.

Ана шулардан келиб чиқиб Бекобод шаҳридаги 19-мактабгача таълим ташкилотида ёзги соғломлаштириш даври жорий йилнинг 1 июнидан қизгин бошланиб юборилди. Ташкилот раҳбари Умида Каримованинг ташаббуси билан соғломлаштириш даврини ташкил этиш бўйича методик тавсия асосида ташкилий-услубий ишлар режаси ишлаб чиқилди.

Ёзги соғломлаштириш даврида тарбияланувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш, хавфсиз ва сифатли овқатланишини таъминлаш бўйича доимий амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Айниқса «Долзарб 90 кунлик» иш режимини ташкил этиш бўйича ҳафталик тадбирларнинг белгиланиб олиниши, методик тавсия асосида соғломлаштириш даврини мазмунли ўтказишга оид семинарларнинг

ташкил этилганлиги айтиш мумкин бўлди.

— Болажонларимизнинг вақтини мазмунли ўтказишлари учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиққанмиз, — дейди ташкилот директори Умида Каримова. — Шарт-шароитларимиз кўнгилдагидек. Тарбиячиларимиз имкон қадар болажонлар иштирокида қувноқ ва мароқли тадбирларни ташкил этишга чоғланишган.

Дарҳақиқат, «Долзарб 90 кунлик» давомида «Ёз меҳмонга келди», «Шоир билан учрашув», «Спорт эстафеталари» сингари тадбирлар болажонларга жуда манзур бўлди. Айни шу кунларда ташкилотнинг ўзида бир неча тўғарақлар ишга туширилди. «Турон кичкинтойлари» тўғарағи ташкил қилиниб, бунда тарбияланувчилар тарбиячилар кўмагида олдин ўтилган мавзулар, эртақлар асосида саҳна кўринишларини намоиш этадилар.

Ташкилотда болаларнинг табиатга бўлган қизиқишларини, экологик маданиятини ошириш мақсадида «Экологик сўқмоқлар» ташкил этилган. Экологик сўқмоқ нафақат ташкилот чиройини кўрсатибгина қолмай, балки болажонларнинг билим савиясини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Умуман олганда мактабгача таълим ташкилотида қувноқ ёз-ўтмоқда соз, десак, тўғри бўлади. Зотан болажонларнинг шодлиги, бахтиёрлик лаҳзалари шундан далолатдир.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,  
«Жамият»

# ЮКСАК ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪНАВИЯТ МАНБАИ



Бугунги ахборот технологиялари асрида кутубхоналар нафақат билим маскани, балки инновацион ахборот марказига айланмоқда. Замонавий кутубхоналар жамият маънавий тараққиётида беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, аҳолининг билим ва маданият даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Улуғ адиб Ойбек: “Китоблар инсон тафаккурининг жавоҳирларини йиғиб, авлодларга мерос қилиб қолдиради”, деган эди.

Дарҳақиқат, инсониятнинг барча билим ва тажрибаси, тафаккур олами, аввало, китобларда акс этади. Китоб тўплаш, кутубхоналар ташкил этиш жамиятнинг маърифатпарварлиги даражасини белгилайди. Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида китобхонлик маданиятини ошириш бўйича белгиланган вазифалар юзасидан республикамиз бўйлаб ахборот-кутубхона марказларида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, мазкур марказда таълим муассасалари ўқувчилари ҳамда аҳолининг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда мунтазам билим олиши, халқимизнинг маданий-тарихий меросидан баҳраманд бўлиши, ҳар бир шахснинг ижодий камол топиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Кутубхона фондлари янги турдаги электрон-ахборот ресурслари билан бойитилмоқда. Компьютер жамланмалари, нусха кўчириш аппаратлари, сканер сингари ахборот технологиялари билан жиҳозланган махсус бўлимлар ўқувчи-ёшларнинг таълим даргоҳларида олаётган билимларини мустақамлашда қўшимча манба вазифасини ўтамоқда. Таълимнинг бундай интерфаол усулининг ўзига хос томони шундаки, у ўқувчини тайёр билимларни эгаллаш билан чекланиб қолмай изланишга, мустақил фикрлашга чорлайди.

Қолаверса, китоб инсоннинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси ҳисобланади.

Китоб – мангуликка йўл олган донолар хотирасига қўйилган ёдгорлик. Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобомиз ёзганидек: “Китоб – беминнат устоз, билим ва маънавий юксалишга эришишнинг энг асосий манбаи”. Халқимиз тилида ҳам китоб ўқиб билим ва муносиб таълим-тарбия олиш, илм-фан билан шуғулланиш, касб-хунар ўрганишнинг аҳамиятига доир мақоллар жуда кўп. Жумладан, “Китобсиз ақл – қанотсиз қуш”, “Бахт белгиси – билим”, “Билим – ақл чироғи”, “Тўзаллик – илм-у маърифатда”, “Илм бахт келтирар, билим тахт келтирар”, “Хунар – оқар булок, илм – ёнар чирок”, “Олтин олма, билим ол, билим олсанг, билиб ол”. Бундай пурҳикмат нақллари яна узоқ давом эттириш мумкин. Бугун ватанимизнинг жадал ривожланаётган бир даврида аждодларимиз ва донолар фикрида ўз аксини топган китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини шакллантиришга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди десак, муболаға бўлмайди.

Аҳолининг кенг қатламини китоб ўқишга жалб қилиш, китоб ўқиш ва китобхонликни кенг тарғиб қилиш, вояга етаётган фарзандларимизни боғча ёшидан бошлаб китобга меҳрли қилиб тарбиялаш, китоб маҳсулотларининг мазмунига эътибор қаратиш, уларни чоп этиш сифатини яхшилаш ҳамда чекка қишлоқ ва овулларгача бориб етишини таъминлаш, турли мазмундаги китоблар билан тўлдирилган китоб дўконларини кўпайтириш,

кутубхоналар фондиди бойитишга алоҳида эътибор қаратиш, чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари асосида китоб тарғиботи – рекламаларини ташкил қилиш, қизиқиш уйғотиш ва ушбу жараёнда фаол кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида турли танловлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратишини амалга ошириш кўзда тутилган. Китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини яна бир янги босқичга кўтарганлиги билан изоҳланади. Биринчидан, юқорида қайд этилгани каби, китоб инсонни ердан кўкка кўтарувчи, унинг маънавий кувватини оширувчи буюк куч ҳисобланади. Иккинчидан, китоб инсониятнинг тарихий хотираси, барчамизни ўз маънавий-маърифий, илмий заманимизни мустақамловчи, келажакни ёрқин кўрсатиб боришга қодир машъала ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизда илм олиш, китоб ёзиш, ижод қилиш ҳар доим ҳам миллатнинг мавжудлиги ва у нимага қодир эканлигини кўрсатувчи мукаддас тушунчалар ҳисобланади.

Арасту ҳакимдан Абу Али Ибн Синогача, Афлотундан Абу Райҳон Берунийгача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача, Соҳибқирон Амир Темурдан Муҳаммадшариф Гулханийгача юзлаб, минглаб мутафаккирларнинг шаклланиши, дунёга танилиши, замонлар ошсада аҳамияти йўқолмайдиган тадқиқоту кашфиётлари фақат ва фақат китоб орқали юз берди. Уларнинг бугунги авлод томонидан чуқур ўрганилиши, улар илмий-маърифий бисотига бот-бот мурожаат қилишнинг сабаби ҳам мутафаккирлари-

миз томонидан яратилган китоблар туфайлидир.

Китоб мутолаасининг жамият тараққиётида тутган ўрни, ёшлар тарбияси ва маънавий дунёқарашини шакллантиришидаги аҳамияти ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажакга йўқ”, – дея таъкидлагани бежис эмас.

Ҳақиқатдан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Китоб ўқиш барчамизнинг маънавий оламимизни бойитади, сўзлашув маданиятимизни оширади. Шунинг учун ҳам ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, маънавий етук, ҳар қандай ахборотларни ақл билан таҳлил қила оладиган, ўз фикрини билдириб, уни ҳимоя қила оладиган, тенгдошларига олган ахборотларини тушунтира оладиган баркамол инсон қилиб тарбиялашда китобхонликнинг аҳамияти беқиёсдир. Кутубхоналар бугунги кунда нафақат китоб мутолааси маркази, балки рақамли ахборот ресурслари орқали жамиятнинг интеллектуал ривожланишига ҳисса қўшувчи инновацион майдонга айланган. Улар ёш авлоднинг таълим жараёнида муҳим ўрин тутиб, мустақил фикрлаш ва изланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Келажакда кутубхоналар аҳамияти янада ортиб, глобал ахборот маконида муҳим ўрин эгаллайди.

**Фотима МАМАТҚУЛОВА,**  
**Мафтуна СУЛТОНОВА,**  
ЎЗДЖТУ катта ўқитувчилари

## АБИТУРИЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

### ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

**М.В ЛОМОНОСОВ НОМИДАГИ МОСКВА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ 2025-2026 ўқув йили учун қабул эълон қилади.**

#### БАКАЛАВРИАТЛАР УЧУН:

“Амалий математика ва информатика”,  
“Психология”, “Реклама ва жамоатчилик билан алоқалар” “Филология”, “Менеджмент”,  
“Педагогик таълим” йўналишлари бўйича  
2025 йил 20 июндан 10 июлгача ҳужжатлар қабул қилинади.

#### МАГИСТРАТУРАДА ўқишни истаганлар учун:

“ Амалий математика ва информатика”,  
“Психология”, “Реклама ва жамоатчилик билан алоқалар”, “Педагогик таълим” йўналишлари бўйича ҳужжатлар 2025 йил 20 июндан 2025 йил 20 июлгача қабул қилинади.

#### Манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани

Амир Темур кўчаси 22 уй

Мўлжал: Федорович клиникаси.

Қўшимча маълумот олиш учун

телефонларимиз

71-232-28-11

71-232-28-22

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 34 йиллиги олдидан



# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ

Пастдарғом туманидаги “Умсин момо” фермер хўжалиги раҳбари Элибой Таниевнинг шиорига айланган

фидаги 70 гектарга яқин майдонда ғалла етиштирдик. Туманда биринчилардан бўлиб шартнома режасини уддаладик. Қилган меҳнатларимиз мевасини бермоқда. Шунингдек, 45 гектар ердаги ғўза парваришига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Техникаларимиз етарли, ишчиларимиз тажрибали, улар учун далада барча шароит яратилган. Ерларни меъёрида минерал ва маҳаллий ўғит билан озиклантирдик. Сув тақчиллиги шароитида ҳам ўз меъёрида суғоришга эришдик. Шу боис ғўза ниҳоллари бақувват, яхши ривожланаяпти. Албатта, соҳадаги энг катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга ютуқларимиздан бири, шубҳасиз, давлатимизнинг ғалла мустақиллигига эришганидир. Зеро, халқимизнинг бугунги фаровон

ган оилаларга ёрдам қўлини чўзиш ва бошқа ишларини кўплаб гапириш мумкин. Эл дардини ўз дарди деб билган Элибой ака бир неча бор вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Эл эътиборини қозонди. Унинг самарали меҳнатлари ҳукуватимиз томонидан муносиб рағбатлантириб борилди. Жумладан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” унвони, “Эл-юрт хурмати” орденлари билан тақдирланди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилоят ҳокими бўлиб ишлаган пайтларида Элибой ака раҳбарлик қилаётган хўжалик далаларига бориб, у киши билан пахта ва ғалла режалари тўғрисида обдон суҳбатлашади. Сўнгра қишлоқ хўжалик фаоллари билан йиғилиш ўтказиб, натижани Элибой аканинг ўзига қўйиб беринг, у киши ўз ишининг устаси ва сўзининг устидан албатта чиқади деб ишонч билдирган эди. Шундай ҳам бўлди. Ўша йили ҳам Элибой ака бошлиқ хўжалик далаларида пахта ва ғалладан мўл ҳосил йиғилди. Элибой ака ҳозир ҳам вилоятда пешқадам. Ғалла бошоқлари ва пахта кўсақларини ёш болани эркалагандай меҳр билан парвариш қилади.



ҳаёти ана шу ғалла мустақиллиги туфайли, десак адашмаймиз. Ха, инсон умри унинг яшаган йиллари билан эмас, қилган эзгу амаллари, меҳнати билан ўлчанади. 80 ёшдан ошган Элибой ака умрини деҳқончиликка бағишлади. У киши ўз фаолияти давомида кўплаб ҳайрли ишларни амалга оширди. Узоқ йиллар хўжалик раиси бўлиб фаолият юритди. Фермерлик ҳаракати бошлангач биринчилардан бўлиб фермер хўжалигига асос солди. У кишининг қилган эзгу ишлари, яхшиликларини санаб адоғига етиш қийин. Ўзи яшайдиган Оқманғит қишлоғидан 26 километр олисда жойлашган манзилда хўжалик ишчилари учун 5 та дала шийпони қуриб берди. Эски Анҳор каналига далани суғориш учун насослар ўрнатилди. Маҳалла худудидаги йўللарни таъмирлаш, беморларга мадад бериш, қийнал-

Ўзи эса шу кутлуғ ёшида ҳам қўлига кетмон олиб меҳнат қилишдан эринмайди. Илоҳим кўз тегмасин. Бугун у кишининг нафақат меҳнат фаолияти, балки ҳаёт йўли ибрат олса арзигулик. Элибой ака деҳқончиликдан ташқари чорвачилик ва боғдорчиликни ҳам намунали йўлга қўйган. Фарзандлари Муҳиддин ва Аслиддин ҳам фермерликни давом эттириб, меҳнатдан бахт топиш шарафига мурасар бўлиб келишаётир. Ахир, инсон ҳаётининг мазмуни фақат рўзгор тебратиш, фарзанд улғайтириш эмас, балки давлат, мамлакат, деб аталмиш улкан хонадонга фойда, наф келтириш ҳамдир. Шеърин сатрларда инсон табиат гултожи дея улуғланди. Аслида ҳам шундай. Бунинг биз Элибой ака сингари фидойи инсонлар ҳаётида кўришимиз мумкин.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,  
журналист

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ХУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Мақсуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-610  
Адади: 1600

Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Электрон почта:  
jamiyat@mail.uz  
Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

Ер юзининг сайқали бўлган Самарқандга хоҳ шимолдан, хоҳ жанубдан, шарқданми ёки ғарбдан ташриф буюрсангиз, йўл бўйларида ҳозиргина тандирдан узилган, иштахани қитқлайдиган иссиқ ширмой нон ҳиди сизни ўзига тортаверади. Дунёнинг турли мамлакатларида табиий офатлар, ўзаро келишмовчиликлар, очарчилик, ичимлик суви танқислиги, терроризм ҳаракатларининг аянчли оқибатлари инсон ҳаловатини бузаётган вақтда юртимизда ҳукм сураётган бундай тинчлик, хотиржамлик, осудалик ва дастурхонимизнинг тўқинлигини кўриб беихтиёр шукрона айтасан, киши.

Турмушимизнинг тўқин-сочинлигини таъминлаб турган энг улуғ неъмат — нон эса ана шу фаровонлигимиз рамзидир. Шукроналар бўлсинки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, иқтисодиётимизнинг муҳим бўғинларидан саналган аграр соҳада улкан ислохотлар олиб борилаятир. Бу борада ерларнинг унумдорлигини ошириш, тажамкор технологиялардан фойдаланиш, деҳқонларнинг моддий манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз навбатида уларнинг ерга бўлган меҳрини мустаҳкамлаб, ҳосил унумдорлиги ва сифатини кафолатлашга хизмат қилаётир. Бундай ижобий ишлар самарасини Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “Умсин момо” фермер хўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Юртимизда ерга, ўзи етиштиратган маҳсулотга эгалик ҳиссининг шаклланганлиги натижасида фермерлар иши самарали ташкил этилмоқда, — дейди фермер хўжалиги раҳбари, меҳнатқаш ва олийжаноб инсон, деҳқончилик илмининг ҳақиқий билимдони Элибой ака Таниев. — Шу туфайли ер, сув ва бошқа ресурслардан унумли фойдаланиб, пахта, ғалла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштиришга эришилмоқда. Ана шундай имконият самараси ўларок жорий йилда хўжалигимиз тасарру-



## “МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ IX ГЕРМАНИЯ-ЎЗБЕКИСТОН БИЗНЕС ФОРУМИ ДОИРАСИДА ODDO BHF BANK БИЛАН 50 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

2025-йил 19-20-июнь кунлари Берлин ва Дусселдорф шаҳарларида тўққизинчи Германия-Ўзбекистон бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда “Микрокредитбанк” АТБ раҳбарияти ҳам фаол иштирок этиб, форум доирасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни давом эттирувчи муҳим келишувга эришди.

Мазкур келишув Германиянинг етакчи молия институтларидан бири – ODDO BHF bank билан имзоланиши форумнинг энг асосий ютуғи дея таъкидланди. Келишувга кўра, “Микрокредитбанк” АТБ Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ жалб қилади. Бу маҳаллий тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

Бизнес-форум давомида Микро-

кредитбанк делегацияси қатор йирик немис банклари билан икки томонлама музокаралар ўтказди.

Жумладан:

- \* ODDO BHF bank
- \* DZ bank
- \* KfW Bankengruppe
- \* AKA bank

Шунингдек, учрашувлар давомида савдони молиялаштириш, вакиллик ҳисобварақларини очиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, лойиҳаларни молиялаштириш масалалари муҳокама қилинди.

“Микрокредитбанк” АТБ халқ-




аро ҳамкорликни кенгайтириш ва мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича ўз ол-

дига қўйган мақсадларини изчил амалга оширишда давом этади.

**Банк Ахборот хизмати**



## MOODY'S “МИКРОКРЕДИТБАНК” АТБ РЕЙТИНГИНИ БИР ПОҒОНА КЎТАРДИ!



Ушбу халқаро рейтинг агентлиги “Микрокредитбанк” АТБнинг депозит рейтинг прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га кўтарди.

Агентлик томонидан ишонч даражасининг оширилиши банкимиз стратегиясининг самарадорлиги ва молиявий бозордаги барқарор мавқеини тасдиқлайди.

“Микрокредитбанк” АТБ мижозлар, ҳамкорлар ва шунингдек, инвесторлар учун энг яхши халқаро амалиётларни жорий этишни ҳамда молия бозоридаги ўз позицияларини янада мустаҳкамлашни давом эттиради.

**Банк Ахборот хизмати**